

УДК 614.88.09

Расулова Мухсина Розиковна

*Доцент кафедры судебной медицины Самаркандского государственного
медицинского университета, Ph.D.*

Кабилова Мамлакт Ахмаджоновна

*Врач лаборант Самаркандского филиала Республиканского научного
центра скорой медицинской помощи*

ВЛИЯНИЕ ТЕРМИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА СТРУКТУРУ НАСИЛЬСТВЕННОЙ СМЕРТИ

Аннотация. В работе изучено влияние физических факторов, в особенности вклада тепловых факторов, на структуру насильственной смерти. Проведено судебно-медицинское исследование 1198 трупов, вскрытых в 2023 году, из них 908 случаев насильственной смерти. Установлено, что: тепловые факторы (ожоги, тепловой шок) были причиной смерти в 23% случаев; холодовые факторы (обморожение) были причиной смерти в 5% случаев; в остальных случаях (72%) насильственная смерть была вызвана другими факторами.

Ключевые слова: насильственная смерть, физические факторы, термические факторы, ожоги, тепловой удар, холодовой удар, обморожение.

UDC 614.88.09

Rasulova Mukhsina Rozikovna

*Associate Professor, Department of Forensic Medicine, Samarkand State
Medical University, Ph.D.*

Kabilova Mamlakt Akhmadjonovna

*Laboratory assistant, Samarkand branch of the Republican Scientific Center for
Emergency Medical Care*

INFLUENCE OF THERMAL FACTORS ON THE STRUCTURE OF VIOLENT DEATH

Annotation. The work studied the influence of physical factors, especially the contribution of thermal factors, on the structure of violent death. A forensic medical study

was carried out on 1,198 corpses autopsied in 2023, of which 908 were cases of violent death. It was found that: thermal factors (burns, heat shock) were the cause of death in 23% of cases; cold factors (frostbite) were the cause of death in 5% of cases; in the remaining cases (72%), violent death was caused by other factors.

Key words: violent death, physical factors, thermal factors, burns, heat stroke, cold stroke, frostbite.

УДК 614.88.09

Расулова Мухсина Розиковна

Самарқанд Давлат тиббиёт университети суд тиббиёти кафедраси доценти.

т.ф.н.

Қобилова Мамлакат Ахмаджонова

Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд филиали

шифокори, лаборант.

ЗЎРАКИ ЎЛИМ СТРУКТУРАСИДА ТЕРМИК ОМИЛЛАРНИНГ ҲИССАСИ.

Аннотация. Ушбу илмий ишда зўраки ўлим структурасида физик омиллар таъсири, хусусан термик омилларнинг ҳиссаси ўрганилган. Бунда 2023-йилда аутопсия қилинган 1198 та мурдалар суд тиббий текшируви, шундан 908 таси зўраки ўлим ҳолатлари, уларнинг хусусиятлари ва таркиби таҳлил этилган. Аниқланишича: 23% ҳоллардаги ўлимга термал омиллар (куйиш, иссиқлик уруши); 5% ҳоллардаги ўлимга совуқ омиллар (музлаш); қолган 72% ҳоллардаги зўраки ўлимига бошқа омиллар сабабчи бўлган.

Калит сўзлар. зўраки ўлим, физик омиллар, термик омиллар, куйиш, иссиқ уриш, совуқ уриш, совуққотиш.

Кириш. Физик омиллар таъсиридаги шикастланишлар муаммоси охириги йилларда долзарб бўлиб қолмоқда. Ҳозирги замонавий интенсив саноатлаштириш шароитида ишлаб чиқаришда ва кундалик ҳаётда электр энергияси манбаларидан

фойдаланиш кўпаймоқда, шу сабабли куйиш билан боғлиқ шикастланишлар сони ошиши кузатилмоқда.


Чуқур термик куйишларда умумий ўлим кўрсаткичи, механик шикастларга нисбатан бир неча баравар юқорилиги қайд этилган. Тана юзасининг 40% дан кўп қисми чуқур шикастланган бўлса, ҳатто ихтисослаштирилган куйиш марказларида малакали тиббий ёрдам кўрсатилаётганлигига қарамасдан ўлим кўрсаткичлари 50% ташкил қилмоқда. Ҳар йили Ўзбекистон ҳудудида куйиш оқибатида тиббиёт муассасаларида 520 дан 920 нафаргача (590 нафар катталар, 230 нафар болалар), ҳодиса жойда эса 200 дан ортиқ киши вафот этмоқда (Р. Т. Султонов, С. Н. Наврузов), (Б. С. Турсунов).

2018-2023 йилларда Иркутск шаҳар клиник касалхонасининг куйиш марказига ётқизилган 3352 нафар физик омиллар таъсиридаги жароҳатлар билан даволанаётган беморлар орасида куйиш - 2564 (78,60%), иссиқ уриш - 29 (0,89%), совуқ уриш - 586 (17,96%), совуққотиш - 83 (2,55%) ташкил этган.

Тадқиқотнинг мақсади – физик омиллар таъсиридаги жароҳатлар структураси, хусусиятлари ва таркибини ўрганиш.

Тадқиқот натижалари: 2023-йилда Республика суд тиббий экспертиза илмий амалий маркази Самарқанд филиали ва бўлинмаларида 1198 та мурдалар суд тиббий текшируви ўтказилган, шундан 908 таси (75,8 %) зўраки ўлим ҳолатлари эканлиги кузатилди. Зўраки ўлим структурасида термик омиллар таъсирида юзага келган ўлим 36 (3,9%) ҳолатни ташкил қилган. Шулардан, юқори ҳарорат таъсири оқибатидаги ўлим - 29 (80,6%), паст ҳароратнинг таъсири - 7 (19,4 %) ташкил этган.

Термик омиллар таъсирида юзага келган ўлим структураси




Термик омиллар таъсири оқибатидаги ўлим кўрсаткичлари таққосланганда 2021 йилда 28 тани, 2022 йилда 23 тани ташкил этганлиги қайд этилди.

Эркаклар ва аёллар ўртасидаги кўрсаткичларнинг ўзаро қиёсида 1:3 нисбат қайд этилди. Термик омиллар таъсири оқибатидаги ўлганларнинг ёши эркакларда ўртача 45 ёшни, аёлларда ўртача 38 ёшни ташкил этди.

Термик омиллар таъсири оқибатидаги ўлим сабаблари ўрганилганда, иситиш қурулмалари ва ошхона жиҳозлари носозлиги (38%), олов ва иссиқ воситалардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш (34%), транспорт ва техник авариялар (3%), ҳамда ўз жонига қасд қилиш (25%) оқибатида ёнғин таъсирида ўлим юз берган.

Термик омиллар таъсири оқибатидаги ўлим сабаблари



Жорий йилда термик омил натижасидаги ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари жами 9 тани ташкил қилди, бу ҳолат 2021 йилда 6 та, 2022 йилда 8 та ҳолатда кузатилган бўлиб, уларнинг барчаси аёллар бўлган.

Хулоса.

- 1) Зўраки ўлим структурасида термик омиллар таъсиридаги ўлим 3,9% ташкил этди;
- 2) Термик омиллар таъсиридаги ўлим структурасида юқори харорат таъсири 80,6% ташкил этди;
- 3) Зўраки ўлим таркибида эса - ўз жонига қасд қилиш - 55,3% ҳолларда ташкил қилди;
- 4) Эркаклар ва аёллар ўртасидаги нисбати - 1:3 бўлди.

Адабиётлар.

1. Давранова А. Э. и др. Судебно-медицинская экспертиза потерпевших с травмами глаза //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHES;S THEORY. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 10-16.
2. Индиаминов С. И., Мардонов Т. М., Расулова М. Р. ХАРАКТЕР И ОСОБЕННОСТИ МЕХАНИЧЕСКИХ ПОВРЕЖДЕНИЙ КОМПЛЕКСА ГОРТАНИ //ВЕСТНИК ТМА № 1, 2019. – 2019. – С. 69.
3. Индиаминов С. И., Расулова М. Р. Особенности переломов костей носа в практике судебно-медицинской экспертизы //Судебная медицина. – 2018. – Т. 4. – №. 3. – С. 24-27.
4. Индиаминов С., Расулова М. Экспертная оценка механических повреждении органа слуха в практике судебно-медицинской экспертизы //Журнал проблемы биологии и медицины. – 2019. – №. 1 (107). – С. 152-153.
5. Индиаминов С., Расулова М., Умаров А. Механизм травмы при переломах костей носа //Журнал вестник врача. – 2019. – Т. 1. – №. 1. – С. 31-35.
6. Расулова М. Р., Ахадов З. Ш., Давронов С. Ф. ДИАГНОСТИКА ДАВНОСТИ ПЕРЕЛОМОВ КОСТЕЙ НОСА СОВРЕМЕННЫМИ МЕТОДАМИ ИССЛЕДОВАНИЙ //INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHES;S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 48-52.
7. Расулова М. Р., Мардонов Т. М., Давранова А. Э. ОСОБЕННОСТИ ПОВРЕЖДЕНИЙ КОМПЛЕКСА ГОРТАНИ ОТ СДАВЛЕНИЯ ШЕИ

//INTERNATIONAL JOURNAL OF RECENTLY SCIENTIFIC RESEARCHER'S THEORY. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 28-35.

8. Расулова М. Р., Сайдалиева М. З., Бекмирзаева З. Т. УСТАНОВЛЕНИЕ ДАВНОСТИ ПЕРЕЛОМОВ КОСТЕЙ НОСА МЕТОДАМИ ЛУЧЕВОЙ ДИАГНОСТИКИ //SCHOLAR. – 2023. – Т. 1. – №. 4. – С. 28-31.
9. Расулова М., Турдиев Ф. Показатели рентгеновской денситометрии у детей с асептическим некрозом головки бедренной кости //Современная медицина глазами молодых ученых. – 2022. – Т. 1. – №. 1. – С. 85-86.